

Қарши шаҳридаги 1-сонли мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюришди

Жорий йилнинг 27 февраль куни ТИҚХММИ Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ва талабалари Қарши шаҳридаги 1-сонли мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюришди. Ташриф чоғида мактаб директори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров меҳмонларга ўзи бошчилик қилиб, мактабдаги яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништирди ҳамда ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъододини юзага чиқаришга хизмат қилиш биз учун юксак шараф дейди мактаб директори Ф.Умаров. Ташриф сўнггида профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун мактаб жамоаси томонидан тайёрланган мусиқали тадбир намойиш этилди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати